

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОРИЖИЙ ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ
ИНГЛИЗ ФИЛОЛОГИЯСИ КАФЕДРАСИ**

Рахимова Каромат

**ИНГЛИЗ ТИЛИДА МУРОЖААТНИ ИФОДАЛОВЧИ
СЎЗЛАР**

РЕФЕРАТ

Илмий раҳбар: **М.А. Абдуллаева**

Катта ўқитувчи

Тошкент – 2014

РЕЖА

1.Ўзбек тилида мурожаат ифодаловчи лексик бирликларнинг социолингвистик хусусияти

2.Ўзбек тилида ёш хусусиятига кўра хосланган мурожаат ифодаловчи лексик бирликлар ва уларнинг инглиз тилида берилиши

3.Ўзбек тилида коммуникантлар мавқе хусусиятига кўра хосланган мурожаат ифодаловчи лексик бирликлар ва уларнинг инглиз тилида берилиши

4.Ўзбек тилида коммуникантлар тоифа хусусиятига кўра хосланган мурожаат ифодаловчи лексик бирликлар ва уларнинг инглиз тилида берилиши

1. Ўзбек тилида мурожаат ифодаловчи лексик бирликларнинг социолингвистик хусусияти

Ўзбек тилшунослигида ҳам ундалма ва унинг хусусиятлари юзасидан бир қатор илмий ишлар амалга оширилган бўлиб, уларда асосан, ундалманинг лингвистик хусусиятлари очиб берилган. Ўзбек тилшунослигида ундалма ҳақидаги дастлабки фикрлар А.Ғуломов асарларида учрайди. Маълумки, ундалма сўзловчининг нутқи қаратилган шахсни билдиради.¹ Ундалмага берилган таърифдан кўриниб турибдики ундалма, асосан, сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги суҳбатда ёки жонсиз нарсаларга қилинган чақириқ, хитоб, ундашга нисбатан қўлланилади. Ундалма бўйича ўзбек тилшунослигида алоҳида тадқиқот олиб борган Р.Сайфуллаев ундалманинг лексик-семантик хусусиятлари, гапдаги ўрни ва унинг таркиби ҳақида батафсил маълумот беради². Баъзи тилшунослар ундаш, чақириқ маъноларини қамраб олган сўзларни вокатив формадаги сўзлар деб изоҳлайдилар. “Ўзбек тилида вокатив формани ифодаловчи ва кишиларнинг мурожаатида қўлланувчи ана шундай сўзлар ҳам борки, уларни вокатив сўзлар деб атасак бўлади. Бу хил вокатив сўзлар қаторига ўртоқ, жаноб, тақсир, гражданин, дўст, жўра, бону, жоним типидagi сўзларни киритсак бўлади. Бундай сўзларда чақириш, ундаш, мурожаат оттенкаси сезилиб туради³.” Келтирилган фикрдан кўриниб турибдики, Б.Ўринбоев ундалма термини ўрнида “вокатив категория” терминини қўллайди. Ундалма ўзбек тилшунослигида кўпроқ соф лингвистик томондан таҳлил қилинган бўлиб, кейинги йиллардаги тадқиқотларда эса ундалманинг ижтимоий-лисоний хусусиятларига ҳам эътибор кучайди⁴. Ижтимоий тилшунослик

¹ Ғуломов А., Асқарова М., Ҳозирги ўзбек адабий тили ., Т., “Ўқитувчи” 1987й 150-бет

² Сайфуллаев А. “Ҳозирги ўзбек адабий тилида ундалма”, Т., “Фан”, 1968й.

³ Ўринбоев Б. “Ҳозирги ўзбек тилида вокатив категория” Т., “Фан” .,1972й.,26-бет.

⁴ Мўминов С. Ўзбек мулоқот ҳулкининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фанлари докт. ... дисс. - Т., 2000; Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: Филол.фанлари номз. ... дисс. - Т.,1993; Расулов Қ. Ўзбек мулоқот ҳулкининг функционал хосланиши: Филол.фанлари номз. ... дисс. - Т., 2008; Акбарова З. Ўзбек тилида мурожаат шакллари ва унинг лисоний тадқиқи: Филол. фанлари номз. ... дисс. —

нуқтаи назаридан қараганда, кўпгина ишларда ундалма термини ўрнида мурожаат шакллари термини қўлланилмоқда. Мустақиллик йилларида “муурожаат” термини фаол қўлланилиб, у кўпроқ социоллингвистиканинг ўрганиш объектини ташкил қилади. Бундан ташқари, мурожаат шакллари термини ундалма терминига нисбатан кенг қамровли ҳисобланади. Шу сабабли ишимизда ундалма термини ўрнида мурожаат шакллари терминини қўллашни лозим топдик. “Муурожаат” сўзига изоҳли луғатда шундай таъриф берилади:

1. Кўриб чиқиш, таққослаш;
2. Бирор нарса сўраш, ишни қайта кўриш;
3. Бировга қарата айтилган гап, қилинган даъват, чақирик⁵;

Қайд қилинган маънолардан “бировага қарата айтилган гап, қилинган даъват, чақирик” маъносини адресант ва адресат нутқида намоён бўлиш ва вазифасини кузатиб, уларнинг ижтимоий-лисоний хусусиятларини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Кўриниб турибдики, мурожаат, асосан, коммуникантлар ўртасида тингловчи диққатини тортиш учун хизмат қилади. Муурожаат шакллариининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари Ш.Искандарова, С.Мўминов, М.Сулаймонов, З.Акбароваларнинг илмий ишларида қайд қилинган⁶. З.Акбарова томонидан мурожаат шакллариининг ижтимоий хусусиятлари, ундалма ва мурожаатнинг умумий ва фарқли томонлари, ифодаланиш усул ҳамда воситалари, мурожаат ифодаланишининг экстралингвистик ҳамда психоллингвистик восита ва омиллари, мурожаат лексиконининг тематик таснифи кенг ёритиб берилган. Тадқиқотчи З.Акбарова ундалма ва мурожаатнинг фарқли ва ўзига хос томонларини ёритар экан, мурожаат ифодаловчи сўз ҳам моҳиятан грамматик аспектда ёндашилса, у ундалмага тўла мос тушади деган фикрни билдиради. Лекин

Т.,2007; Аҳмедова Н. Ўзбек тилида муурожаат бирликларининг семантик-коннотатив тадқиқи: Филол. фанлари номз. ... дисс.- Т.,2008;

⁵Ўзбек тилининг изоҳли луғати 2жилд, 645-бет.Т.,2006.

⁶Мўминов С. Ўзбек мулоқот ҳулкининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фанлари докт. ... дисс. - Т., 2000; Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: Филол.фанлари номз. ... дисс. - Т.,1993; Акбарова З. Ўзбек тилида муурожаат шакллари ва унинг лисоний тадқиқи: Филол. фанлари номз. ... дисс. – Т.,2007;

мазмунан мурожаат объектини ифодаловчи сўз мурожаат шакли сифатида, сўзловчининг нутқи қаратилган шахснигина эмас, ҳар қандай объектни ифодалайди⁷. Демак, мурожаат шакллари ундалмага нисбатан кенгрок тушунча ифодалайди. Мурожаат шакллари ижтимоий-лисоний жиҳатидан таҳлил қилганда, у адресант ва адресат ўртасида алоқани вужудга келтириш билан бир қаторда, суҳбатнинг қандай давом этишини, коммуникантларнинг бир-бирига бўлган турли муносабатини, ҳурмати, ёши, жинси, шу билан бирга миллий маданиятини ҳам намоён этади.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, ўзбек тилшунослигида ундалманинг лингвистик, социолингвистик хусусиятлари юзасидан эътиборли фикр-мулоҳазалар билдирилган. Тарихий бадиий асарда учрайдиган ундалмаларнинг жамият билан боғлиқ ҳолатлари алоҳида тадқиқотни талаб қилади. Тарихий асар лексикасидаги мурожаат шакллари ҳозирги мулоқот маданиятимиздаги шакл ва ифодаларидан кескин фарқ қилади, чунки улар муайян тарихий давр, ижтимоий ҳаёт ва муҳит маҳсули. Сўзловчи ва тингловчининг жамиятда қандай ўрин тутиши, ёши, жинси, лавозими, касб-корига қараб мурожаат шакллари ўзгариб бораверади. “Шуни ҳам таъкидлаш керакки, мурожаат шакли халқнинг ўзлигини англаши қай даражада эканлигини кўрсатувчи мезонлардан биридир”⁸. “Мурожаат бирликлари кундалик ҳаётимизда нутқ фаолияти, нутқ жараёнида кенг қўлланиладиган, ўзаро алоқа-аралашувга хизмат қиладиган, сўзловчининг тингловчига бўлган муносабатини ифодаладиган, ўзида турлича коннотатив маъноларни, семантик “оҳангларни” ташийдиган ўткир таъсирчан воситадир”⁹. Ш.Искандарова ўзбеклар мулоқотида ишлатилувчи мурожаат шакллари бир нечта омил билан белгилайди¹⁰. Булар:

- ижтимоий мансублик;
- касб-лавозим, унвон;

⁷ Акбарова З. Ўзбек тилида мурожаат шакллари ва унинг лисоний тадқиқи: фил.фан.номз.дисс.Т.,2007. –б 21

⁸ Акбарова З. Кўрсатилган манба. 81-бет.

⁹ Аҳмедова Н. Ўзбек тилида мурожаат бирликларининг семантик-коннотатив тадқиқи: фил.фан.номз.дисс.Т., 2008. –б 122.

¹⁰ Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари:, фил.фан.номз...дисс. Т.,1993й. –Б. 67.

- суҳбатдошларнинг таниш нотанишлиги;
- нутқий ҳаракат шароити;
- мулоқотчиларнинг ёши;
- уларнинг жинси;
- яшаш жойи;
- услубий ҳолат;
- мулоқотчилар характери.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тарихий асар лексикасидаги мурожаат шакллари куйидагича таҳлил қилиш лозим:

- коммуникантларнинг ёши;
- тоифаси;
- жинси;
- мавқеи.

2.Ўзбек тилида ёш хусусиятига кўра хосланган мурожаат ифодаловчи лексик бирликлар ва уларнинг инглиз тилида берилиши

Сўзловчи ва тингловчининг ёшига кўра фарқланиши ҳам алоҳида-алоҳида жамиятлар сифатида қаралади¹¹. Асосан, ёшга қараб қилинган мурожаат ўзбеклар мулоқотида ўзига хос сезиларли фарқига эга. “Қоидага кўра ёш бола ота-онасига, шунингдек, ўзидан катта ёшдаги кишиларга уларнинг исмини айтиб мурожаат қилмайди, балки исм ўрнида қариндошлик терминларини қўллайди”¹². Мулоқотда коммуникантларнинг ёшига қараб қариндошлик терминлари орқали мурожаат қилиш ўзбек мулоқот маданиятининг асосини ташкил қилади. Қариндошлик терминларини айрим тилшунослар икки гуруҳга ажратадилар:

а) қон-қариндошлик отлари: *ака, амма, амаки, бобо, буви, жиян, невара, она, опа, ота, сингил, тоға, ука, хола, чевара, эвара, ўғил, қиз;*

¹¹Неъматов Х., Жўраева Б. Социолнгвистика. – Бухоро, 2004. - Б. 20.

¹²Мўминов С. Ўзбек мулоқот ҳуққининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари. ...142-б

б) никоҳ қариндошлиги отлари: *божа, келин, куёв, овсин, почча, хотин, эр, янга, қайин, қуда, қайлиқ, ўгай*¹³.

Юқорида келтирилган қариндошлик терминлари мурожаатда фаол қўлланилиб, адресант ва адресатнинг ёшига қараб қўлланиш жиҳатидан фарқлилик касб этади. Масалан: *Йўлакда тоғасига дуч келиб қолган Тоҳир: - Э, хайрият, ўзингиз келдингиз, мулла тоға! - деди.* («Юлдузли тунлар», 269-бет) Келтирилган мисолдаги “мулла тоға” мурожаат шакли тарихий асар лексикасида оддий халқнинг мурожаатида қўлланилиб, эркак тингловчига нисбатан қўлланилган. “Ундалманинг энг муҳим хусусияти сўзловчининг тингловчига нисбатан турли субъектив муносабатларини прессуппозиция тарзида акс эттиришидир”¹⁴. Ҳар қандай мурожаатда прессуппозиция мавжуд бўлади, яъни юқорида келтирилган мисолдаги “мулла тоға” мурожаат шаклида ҳам ёши катта эркак киши, ҳурмат маъноси прессуппозиция саналади.

Тарихий асар лексикасида қариндошлик терминлари юқори табақа вакиллари (подшоҳ хонадони назарда тутилган), кўпроқ оила даврасида, коммуникантларнинг норасмий шароитида бир-бирига мурожаатида кўзга ташланади, расмий шароитда эса бу терминлар ўрнида кўтаринки маъно ифодаловчи, адресатнинг мавқеини кўрсатувчи сўз қўлланилади. Асарда, асосан, коммуникантлар нутқида ёшига нисбатан кўпроқ ижтимоий мавқе етакчи ўрин эгаллайди. Фақат коммуникантларнинг норасмий шароитлардаги мурожаатида қариндошлик терминлари қўлланади: 1) *Бобур онасидан ҳимоя кутиб, Қутлуг Нигор хонимга юзланди: - Онажон, Хонзода бегим ҳам сизнинг суюкли фарзандингиз-ку. Шундай жигарбандимизни қайси виждон билан ўтга солурмиз?! (*«Юлдузли тунлар», 210-бет); 2) *Подшоҳ ота қизи тенглик Қорақўз бегимнинг хобгоҳида қонли уруш ҳаммани бесаранжом қилиб турган шундай таҳликали тунда қотиб ухлаб ётиши унга беҳад хунук туюлди. Ҳозир отаси келса, Хонзода бегим унинг юзига қарай олмаслигини сезди-ю, ойисидан илтимос қилди: - Рухсат беринг, мен кетай... Саҳарликни*

¹³ НарзиеваМ.Ж. Ўзбек тилида шахсни ёш жиҳатидан тавсифловчи отларнинг маъно таркиби: Филол. фан. номз... дисс. – Бухоро, 1992. – Б. 49.

¹⁴ Мухаммадиева М. Ундалмалар прессуппозицияси.// Ўзбек тили ва адабиёти. 1999.,№5, -Б30

бошқа қизлар билан қилай... - Ҳазрат отангиз сўрасалар биз не деймиз? Хафа бўлмасинлар, тагин. Сабр қилинг, **қизим**... Мунча ошиқманг... («Юлдузли тунлар», 22-бет); 3) Ўғлининг фаҳми катталарникидан қолишмайди. Шунинг учун Ҳумоюн унга дил ёриб сўзлади: - Отанг ҳам кексайгани энди билинмоқда, **ўғлим**! Бу йил қирқ еттига кирдим. Отам шу ёшда шунқор бўлган эдилар. Дейдиларки, отасининг ёшига етган одамни Азроил бир силкитиб кўрармиш, бўш келса олиб кетармиш. («Ҳумоюн ва Акбар», 284-бет) Юқорида келтирилган нутқ парчаларининг барчаси яқин қариндошлар ўртасида содир бўлиб, оила даврасидаги суҳбат бўлганлиги боис адресант ва адресатнинг ёши ва жинси жиҳатидан фарқланувчи қариндошлик терминлари мурожаатнинг асосини ташкил қилган. Биринчи мисолда ёши катта аёл коммуникантга нисбатан қўлланган мурожаат ҳисобланса, иккинчи ва учинчи диалогик мулоқотда ўз-ўзидан маълумки, мурожаат ёши катта адресант томонидан ёши кичик адресатга нисбатан қўлланилган. Тарихий романлар лексикасини таҳлил қилиш жараёнида шу нарса аён бўлдики, ҳукмдорлар мулоқоти жараёни норасмий шароитда, оила даврасида бўлса, яқинларига нисбатан мурожаат қилишда юқоридаги каби мурожаат бирликлари ишлатилган. Расмий шароитда эса қариндошлик терминлари билан бирга *ҳазрат* сўзини қўллаб мурожаат қилинган. 1. *Таҳмасп олтин қутичани Ҳумоюнга қайтариб бераётганда Шохзода Султоним акасининг бу ишидан таъсирланиб, уни елкасидан қучди-да, қулогига шивирлади: - Жоним сизга қурбон, **ҳазрат оғажон**!* («Ҳумоюн ва Акбар», 198-бет); 2. *Қайнонаси Биби хоним бу сиргаларни келинининг қулогига тақиб қўяр экан: - Бу инъомнинг теран маъноси бор, - деди. – Энди ҳамиша хонадон соҳибининг гапига қулоқ солгайсиз, айтганларини сўзсиз адо этгайсиз! – Жоним билан, **ҳазрат онажон**! - деб шивирлади келин.* («Она лочин видоси», 4-бет); *Салим титроқ қўлларини кўксига қўйганича аввал оналарига, сўнг отасига узрли кўзлар билан қаради: -Ҳаммаси ёдимда бор, **ҳазрат отажон**. Мен бугун сиз кўтарилган маънавий юксакликни ҳар қачонгидан ҳам аниқ тасаввур этмоқдамен.* (ҲА 599б)

Келтирилган мисолларда мураккаб мурожаат шакллари қўлланган бўлиб, қариндошлик терминлари олдидан *ҳазрат* сўзи қўлланилган. Бу ҳолатни подшоҳ ва унинг оиласидагиларга қилинган тақаллуфнинг кўриниши сифатида баҳолаш мумкин.

Бундан ташқари, бир-бирига нотаниш суҳбатдошлар ҳам мурожаат вазиятида қариндошлик терминларидан кенг фойдаланишади. Мазкур ҳолатларда мурожаат шакллари коммуникантларнинг жинси, ёшига қараб танланади: *Хумоюн боланинг бешиги олдида турган Моҳим бибига юзланди: - Синглим, Ҳамида йўғида сиз Акбарга оналик қилинг.* (Хумоюн ва Акбар 169-бет) Келтирилган диалогдан кўриниб турганидек, эркак тингловчи томонидан қариндош бўлмаган аёл тингловчига нисбатан *синглим* қариндошлик термини қўлланган. Сўзловчи ёшининг тингловчи ёшидан катта эканлиги ана шу каби мурожаат шаклининг ишлатилишини талаб қилиб туради. Агар тингловчи билан сўзловчи ўртасида қариндошлик муносабати мавжуд бўлса, уларнинг исми мурожаат шакли сифатида қўлланилишини кузатиш мумкин.

Ўзбек мулоқот маданиятига хос катта ёшли суҳбатдошларга ҳурмат мурожаат шакллари орқали ҳам ифодаланади. Ўзбек мулоқот ҳулиқида, асосан, катта ёшли кишиларга “сиз” лаб мурожаат қилинади. Бундай ҳолат бегона кишиларга мурожаат қилишда ҳам учраб туради. “Сен/сиз шакллариининг алмашилиши ижтимоий вазифа-мавқеларнинг ўзгариши билан кўринади: шунчаки таниш бўлган кишиларнинг қадрдонлашилиши, шароитнинг расмийдан норасмийга ўтиши ёки аксинча”¹⁵. Бундан ташқари, ёши катта сўзловчилар нутқидаги мурожаат шакллари ўзининг маъно бўёқдорлиги билан ҳам характерланади. Улар нутқида “бўтам”, “арслоним”, “тойчоғим”, “жоним”, “болам”, “фарзанди азиз”, “шер ўғил” каби мурожаат шакллари ҳамда тингловчининг исмига “хон”, “жон” каби қўшимчаларни қўшиш ҳолатлари учрайди. *Ҳамида бегим талпиниб Акбарнинг олдида борди-*

¹⁵ Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари. фил.фан.номз.дисс. авт.реф.Т.,1993й. –Б 16.

ю, унинг елкасидан қучди: - **Болажоним**, сизнинг шердил йигит бўлишингизга ишончим комил. (Хумоюн ва Акбар 320-бет); Эсон Давлат бегим қизининг елкасидан силаб, унинг изтиробини босишга тиришар экан: - Ўзингизни босинг, **болам!** – деди. («Юлдузли тунлар», 210- бет); Боланинг шу оғир изтиробини сезган Хонзода бегим тез бориб Акбарни бағрига босди: - Бўйгинангдан момонг айлансин, **митти полвоним!**

Тарихий асар лексикасида эса “сиз” лаб мурожаат қилиш ҳолатлари коммуникантларнинг ёши билан бир қаторда уларнинг мавқеи билан ҳам характерланади. Масалан: Бунинг устига, Ҳамида бегим Деҳлининг Пуран қалъасида турганда кўзи нуқул кутубхона биносига ва унинг ичидаги тош зиналарга тушар, бу ҳаммаси унинг дил яраларини тирнаб янгилар эди. Шунинг учун Акбар онасини Аграга олиб кетмоқчи бўлди: - Энди сиз бу бехосият Пуран қалъада турманг, онажон. Акбар тахтга чиққандан бери Ҳамида бегим уни “**сиз**”лаб гапирарди: - Йўқ, **ўғлим**, отангизнинг қони тўкилган тош зиналар ҳам мен учун муқаддас, мен бу ердан ҳеч қайёққа кетмагаймен. (Хумоюн ва Акбар 310-бет);

Яна шу жиҳати борки, романлар лексикасидаги мурожаат ўринларида шевага хос сўзлардан фойдаланилган, бу кўпроқ “Она лочин видоси” романида яққол кўзга ташланади. Унда асар қаҳрамонларининг нутқида шевага хос сўзларнинг мурожаат ифодаси сифатида қўлланилганлигининг гувоҳи бўламиз: Бугун азонда аёллар одатига биноан офтоб чиқмасдан олдин Амир Темур мақбарасига зиёратга келган Ҳусн Нигор хоним бу қарғишни нуроний бир аёлнинг оғзидан эшитди-ю, ҳанг-манг бўлиб сўради: - **Холамулло**, ким у падаркуш?! (Она лочин видоси 112-бет); Шодимулкни ўлимга ҳукм қилишлари мумкинлигидан хабар топган Халил Султон ўзини тарбиялаб ўстирган момоси Биби Хонимга бориб илтижо қилади: - **Ҳазрат момо**, Шодимулк пок аёл, мен уни никоҳимга ўтказмоқчиман, сиз гувоҳ бўлинг! (Она лочин видоси 9-бет);

Юқоридаги мисолларда “холамулло”, “ҳазрат момо” мурожаат бирликлари қўлланилган бўлиб, Самарқанд ва унинг атрофидаги вилоятлар

шевасида ёши катта аёл тингловчига нисбатан қўлланилади. “Момо” кариндошлик термини кўпроқ Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида кекса ёшдаги аёл адресатларга нисбатан ишлатилади. Мурожаат шакллариининг ёш жиҳатдан ижтимоий хосланиши ўзбек мулоқот маданиятининг асосини ташкил қилади, чунки бошқа миллатлардан фарқли ўлароқ, ўзбеклар миллий менталитетида шундай хурмат категориялари борки, улар коммуникантларнинг ёшини яққол намоён қилади. Бундай ҳолатни нутқий этикетларнинг барчасида кузатиш мумкин.

3.Ўзбек тилида коммуникантлар мавқе хусусиятига кўра хосланган мурожаат ифодаловчи лексик бирликлар ва уларнинг инглиз тилида берилиши

Адресант ва адресатнинг бир-бирига мурожаатида, асосан, касби, лавозими, мансаби ва жамиятда тутган ўрни муҳим роль ўйнайди. Тарихий асар лексикасидаги кишиларнинг мавқеига қараб мурожаатни ифодаловчи лексик бирликлар тарихийлиги билан алоҳидалик касб этиб туради. Ўша даврга мансуб лавозим тушунчалари бугунги жамият ҳаёти учун эскирган. Яъни адресант ва адресатнинг мавқеи ўзгариши билан уларнинг нутқидаги мурожаат шакллари ҳам ўзгариб бораверади. Тарихий асар лексикасида учрайдиган мурожаат шакллари кишиларнинг жамиятда тутган мавқеига қараб таҳлил қилинадиган бўлса, ҳозирги нутқий одатимизга хос бўлмаган, фарқли жиҳатлар кўзга ташланади. Бу тарихий давр ва шароит билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Ҳар бир коммуникант ўзининг муомала маданияти билан фарқланиб туради. Мурожаат шакллариини қўллаш ҳам адресантнинг дунёқараши, маданияти ва савиясига боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Шу нуқтаи назардан, мурожаат шакллариини эвфемиклаштиришга сабаб бўлади.¹⁶ А.Омонтурдиев тилнинг эвфемик мурожаат воситаларини икки гуруҳга

¹⁶ А.Омонтурдиев А. Ўзбек нутқининг эвфемик асослари., Т.: - Б 43.

ажратиб таснифлайди. Яъни тарихий асарларда қўлланилган *давлатпаноҳ, халифаи замон, ҳазрати олийлари, бегим, мавлоно, тақсир* каби мурожаат шакллари ном ўрнида қўлланган эвфемизмлар деб, уларни мумтоз ўзбек тили гуруҳига киритади.¹⁷ Мурожаат шакллари ҳам инсоннинг ёшини, жинсини, жамиятда тутган ўрнини ва касб-корини, мансаб ва лавозимини кўрсатиб туради. Бундай мурожаат шаклларига *давлатпаноҳ, халифаи замон, ҳазрати олийлари, бегим, мавлоно, тақсир, пирим, ҳазратим, мирзам* кабилар киради. Биз тадқиқотимиз объекти қилиб танлаган тарихий асарнинг бош қаҳрамонлари ҳукмдорлар бўлганлиги боис асардаги диалогларнинг асосий қисмида айнан улар иштирок этган. Шунинг учун бу диалоглардаги мурожаат шаклларида шоҳларга кўрсатиладиган иззат-икром ўз аксини топган: *Мирзо ўз гапларидан ўзи қўрқиб кетганини пайқаган Хонзода бегим бугун отасининг алланечук ёрдамга муҳтож бир аҳволда эканини кўриб, унга беҳосдан раҳми келди. — Ҳазратим, мен мунглиқ қизингиз, сизга худодан Шайс Саъдийнинг умрини тилаймен! Илоҳим юзга киринг!*

— *Айтганинг келсин қизим!* — деб Умаршайх мирзо енгил бир сўлиш олди...(«Юлдузли тунлар», 26 –бет); *Бобур ўрдакнинг тўшига қадалиб қолган ёй ўқини кесикн бир ҳаракат билан суғуриб олди-ю, ўғлига кўзларини сузиб қаради: — Бу ўқ сеникимми? Ҳумоюн отасининг кайфи борлигини сезди. Бобур сўнгги пайтларда кўп ичадиган бўлган... Ҳумоюн кўл ва унинг атрофлари подшоҳнинг дахлсиз, хос ерлари эканини эслади. Отаси олдида одобсизлик қилиб қўйгандай кўзлари жавдираб: — Ҳазратим, — деди, — авф этинг, бемаврид ўқ отмишмен.*

— *Аммо ўқни яхши отмишсен,* — деб Бобур ўғлига энди кулимсираб гапирди. («Юлдузли тунлар», 240-бет)

Келтирилган мисолларнинг барчасида ифодааланган мулоқот жараёни яқин қариндошлар орасида бўлиб ўтган бўлиб, уларнинг барчасида мурожаат бир хил ижтимоий мақомга эга бўлган киши (шоҳ)га қаратилган. Умаршайх Мирзонинг қизи ва хотини, Бобурнинг ўғли Ҳумоюннинг уларга мурожаат

¹⁷Кўрсатилган манба 43-бет.

этишларида оддий кишиларга қилинадиган мурожаат жараёнидагига нисбатан тақаллуф ва тавозенинг кучлилиги сезилиб турибди. Яъни уларнинг барчаси мурожаат қилишда *ҳазратим* сўзини келтирадилар. Мурожаатнинг бу тахлит амалга ошишига таъсир этган омил эса мулоқот иштирокчисининг ижтимоий мавқеи эканлиги маълум. Айни шу омил мулоқот иштирокчиларининг ёшидан қатъи назар ана шундай мурожаат шакллариининг танланишига сабаб бўлади. Масалан, *Бобур номаълум хавф-хатардан сесканиб, Хўжа Абдуллага ёрдам сўрагандай қаради: — Устод!*

Хўжа Абдулла унга томон сурилиб:

— Амирзодам, бардам бўлинг, — деди.

— Не қилай, айтинг!.. — шивирлади Бобур.

— Ҳукм чиқаринг! Беклар ясоққа етсин деб талаб қилмоқдалар.

— Сиз-чи, устод? («Юлдузли тунлар», 53-бет)

Бу ерда дин пешвоси бўлган улуғ шайх Хўжа Абдулла ўзидан анча ёш кичик бўлган Бобурга мурожаат қилиш жараёнида ўз нуткида “*амирзодам*” сўзини ишлатади. Бобур ёш жиҳатдан шайхдан анча кичик бўлса ҳам, жамиятдаги мақоми жиҳатидан ундан устун, яъни у юртнинг подшоҳи. Беклар, амирлар, вазирлар каби аъёнлар мурожаатида ҳам худди шу ҳолатни кузатиш мумкин: *Ҳаммалари Мирзони (Умаршайх Мирзо) таъзим билан қарши олдилар. Зарбоф тўн кийган, белига тилла камар боғлаган серсоқол эшик ога биринчи вазир даражасидаги энг катта бек эди. Мирзо унга юзланиб, қаердан чопар борлигини сўради. -Ҳазрати олийлари, Исфарадан.* («Юлдузли тунлар», 27-бет)

Маълумки, ҳар қандай мулоқотда сўзловчи ва тингловчи зурурий компонентлар сифатида, албатта, иштирок этади. Тарихий асар лексикасидаги мурожаат шакллари, асосан, подшоҳ ва унинг оиласидагиларга, уларнинг бир-бирига қилган мурожаатларидан иборат бўлганлиги боис мурожаат шаклларида айнан юқори табақа вакилларига хос сўзлар мурожаат бирликлари сифатида ишлатилади. Лекин асарда асар қаҳрамонларининг мулоқот вазиятига қараб мурожаат шакллари ўзгариб

туради, яъни подшоҳ оиласидагилар бир-бирларига исмини айтиб ёки кариндошлик терминлари орқали ҳам мурожаат қиладилар: *Бобур ўғлига васият қилаётганини сезиб турган Хонзода бегим ўзини ортиқ тутиб туролмади.— Бобуржон, мен эгачингиз!.. Мен... мен сиздан беш ёш каттамен! Бу дунёдан кетиш навбати аввал меники! Сиз таслим бўлманг! Бобуржон, иним! Хонзода бегим унинг подшолигини унутиб, «Бобуржон!» деганида Бобур болалигини эслаб, кўнгли бир орзиқди. У беклардан ҳам, савдарлардан ҳам, бегоналардан ҳам, ҳатто суюкли ўғли ва хотинидан ҳам нуқул «ҳазратим» деган мурожаатни эшитар, кўп ишлатилавериб сийқа бўлиб кетган бу сўз унинг меъдасига теккан эди.*

Пиқ-пиқ йиғлаётган Моҳим бегим олдинги оғир суҳбатларни эслаб:
— *Менинг хархашаларим ҳам сизни хаста қилди, ҳазратим! — деди.*
— *Мени кечиринг! — Моҳим, сиз мени кечирсангиз бўлди... Мен сиздан розимен... фақат энди мени ҳазратим деманг... Моҳим Бобурни: «Кўз очиб кўрганим танҳо ёримсиз, жисмимдаги жонимсиз демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаб кўрди-ю, лекин атрофдагилардан уялди. Йиғи аралаш:*
— *Хўп, — дея олди, холос.Бобур унинг айтилмаган сўзларини овозидан, кўзларидан сизди. Сўнг ўғлига юзланди:*

— *Ҳумоюн, мен сендан ҳам «ота» деган сўзни ҳали эшитганим йўқ.*
«Ота» деган жўнгина сўзга ўрганмаган Ҳумоюн:
— *Падари бузруквор! — деб кўрди. Бундан отасининг кўнгли тўлмаганини сизди-ю:*

- *Отажон! — деди. — Сиз салтанатни менга бермоқчи бўлибсиз. Лекин ишонинг, мен бу тоғу тахтдан сизнинг бир нафаслик умрингизни афзал кўрурмен! («Юлдузли тунлар», 460-бет)*

Юқоридаги матн орқали биз мурожаатнинг хосланганлик даражасини кузатишимиз мумкин. Буни, ҳатто, асар қаҳрамони Бобур ҳам таъкидлайди. У ўзига мурожаат қилиш жараёнида доимий ишлатиладиган *ҳазратим* сўзини танишу бегона, ҳатто, оила аъзоларидан ҳам эшитавериб зада бўлган. Шунинг учун у хотини ва ўғлидан унга ҳазратим деб мурожаат

килмасликларини сўрайди. Худди шу ерда ёзувчи бир ҳолатни ажойиб тарзда тасвирлайди: — *Ҳумоюн, мен сендан ҳам «ота» деган сўзни ҳали эшитганим йўқ. «Ота» деган жўнгина сўзга ўрганмаган Ҳумоюн: Падари бузруквор! — деб кўрди.* Демак, Ҳумоюннинг нутқи шу қадар хосланганки, унга «ота» сўзи жўнгина сўз ҳисобланади.

Бундан ташқари, романлар лексикасида аёл коммуникантларнинг ҳам мавқеига қараб мурожаат қилиш ҳолатлари учрайди. Подшоҳ хонадонидagi аёлларга нисбатан *бегим, ҳазрат бегим* мурожаат шакллари фаол қўлланилган.

Кишиларнинг мавқеига қараб мурожаат қилиш асарда фақат подшоҳ ва унинг оила аъзоларигагина эмас, балки асардаги бошқа юқори мавқедаги кишиларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Бироқ сўнгги марта учрашганларида Хонзода бегимнинг ўзи тўсатдан:

- *Мавлоно, нечун шу ёшгача уйланмагансиз?*- деб сўраб қолди. (Ю.Т. 124-бет)

Юқоридаги диалогда *мавлоно* мурожаат шакли қўлланилган бўлиб, у изоҳли луғатда қуйидагича изоҳланади¹⁸: “жаноб”, ҳукмдор;

- хомий (мурожаатда: эй ҳукмдоримиз)
- мусулмон шарқида олим ва фозил кишиларни, устозларни, юксак мартабали амалдорларни улуғлаб, уларнинг номларига қўшиб ишлатиладиган фахрий сўз.

Тарихий асарда ҳам юксак мартабали кишиларга нисбатан қўлланиладиган мурожаат шакли бўлиб, Хонзода бегим меъмор Фазлиддинни улуғлаб шундай мурожаат қилган: *Абдулла Ансорий элик ёшлардаги юзлари таранг, қорасоч, серғўит одам эди. Аълоий унга юзланди:*

- *Тақсир, шу давлатнинг фуқаролари бўлган минг-минг деҳқонлар, косиблар, табиий офат туфайли очдан ўлмоқда.* (Ҳ.А271-б)

¹⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2жилд, 517-бет.Т.,2006.

Келтирилган юқоридаги мисолдаги *тақсир* сўзи мурожаат шакли сифатида қўлланилган бўлиб, бой ва муллаларга ҳурмат билан мурожаат қилишни ифодалайди. XIV-XV асрларда юқори табақа вакилларига мурожаат қилишда фаол қўлланилган. *Амир* мурожаат шаклида ҳам ҳурмат маъноси етакчилик қилиб, бу ҳам мансабдор шахсларга нисбатан ишлатилган: *Бобур эса Зуннунбекка таажжуб билан тикилиб деди:*

- *Кароматингиз илоҳо тўғри келсин, жаноб амир.* (Ю.Т.265-б)

Кишиларнинг муомала маданиятида мурожаат шакллари муҳим ўрин эгаллар экан, унда коммуникантларнинг мавқеи ҳам ақс этади. Айниқса, мавқе билан боғлиқ бўлган мурожаат шакллари тарихий асар лексикасида фаол қўлланган. XIV-XV асрларда қўлланилган мансаб номларининг деярли кўпчилиги ҳозирги мулоқот маданиятимизда кузатилмайди. Бу каби мурожаат шакллари мансаб тушунчалари билан боғлиқ саналади: *доруға, эшик оғаси, меъмор, амирул умаро, вазир* ва бошқалар. Ҳозирги мулоқот маданиятимиздан фарқли равишда ўша даврда мансаб номларининг мурожаат шакли сифатида қўлланилиши ўша даврга хос мулоқот маданиятининг асосини ташкил қилади.

Қўл қовуштириб тикка турган мулла Фазлиддин доруғага яқинроқ келди:

- *Менинг бошқа гумоним бор, жаноб доруға,- деди.* (Ю.Т.16-б)

Юқорида келтирилган мисолда мурожаат шакли “шаҳар ёки қалъа ҳукмдори мўғул тилидан ўзлашган доруға луғавий бирлиги билан ифодаланган¹⁹” бўлиб, мурожаатда *жаноб* сўзи билан бирга қўлланган ва бу сўз ўша даврдаги юқори мансаблардан бирини ифодалаб келган.

Буни энди билган мулла Фазлиддин хиёл саросима бўлди. Лекин ўзини дадил тутушига тиришиб, отлиқ келаётган Ёқуббекнинг қаршисидан чиқди:

- ***Жаноб эшик оға, ижозат беринг, камина Бобур мирзо ҳузурларига кирай!*** (Ю.Т.54-б)

¹⁹ Ибрагимов О. Бобурномадаги унвон ва мансаб номлари. // Ўзбек тили ва адабиёти, 2008. - №4 –Б 107.

Келтирилган мисолида “эшик оға , яъни биринчи вазир даражасидаги энг катта бек”²⁰ бўлиб, мурожаат бирлиги вазифасини бажарган. Нутқ жараёни мураккаб жараён бўлиб, вазиятга қараб ўзгаради. Коммуникантнинг ички ва ташқи таъсир бирликларининг ўзгаришига қараб мурожаат бирликлари ҳам ўзгариб бораверади. Жумладан, мавқенинг ўзгариши мурожаат бирлигининг ҳам ўзгаришига сабаб бўлади.

Ҳазрат Низомиддин тахтга чиқиб ўлтиргач, Ҳумоюн олтин ва кумуш уюмлари олдига келди-да, шу ердан туриб янги подшога таъзим қилди: - Ҳазратим, биз сафарда эканимизда содиқ одамларимиз йиғиб тайёрлаб қўйган мана шу бир йиллик давлат даромадларини сизга топширишга ижозат бергайсиз. (Ҳумоюн ва Акбар, 99-бет). Келтирилган мисолда коммуникант ижтимоий мавқеининг ўзгариши унга нисбатан мурожаат бирлигининг ҳам ўзгаришини талаб қилган. Асардан маълумки, Низом оддий бир эшкакчи бўлиб, юқоридаги нутқ вазиятида унинг мавқеи подшолик билан боғланган ва унга нисбатан қўлланиладиган мурожаат шакллариининг ўзгаришини ҳам тақозо қилган.

Бундан ташқари, подшо ва амалдорлар нутқида расмий ҳолатдаги мурожаат шакллари ҳам учрайди, яъни халққа, оммага қилинган мурожаатлар: *Ҳамма ўлтиргач, Хўжа Абдулла қуръон ўқиб, ахсида бугун дафн этилган Умаршайх мирзонинг арвоҳига бағишлади. Бир неча киши: - Илоҳо жойлари жаннатдан бўлсин! – деб қўйди. Яна бир неча киши Бобурга юзланиб, кўнгил сўради. – Мухтарама беклар, давлатхоҳлар! –деб гап бошлади Хўжа Абдулла. –Уруш ташвиши бўлмаганда биз аввал мотам маросимини ўтказган бўлур эдик. («Юлдузли тунлар», 47-бет). Юқорида келтирилган парчада дин пешвоси Хўжа Абдулланинг сарой амалдорларига қилган мурожаати келтирилган бўлиб, расмий мулоқот ҳисобланади. Расмий мулоқот ўзига хос мурожаат шаклларига эгалиги билан ҳам ажралиб туради. Нутқ шароити ва вазияти **мухтарама беклар, давлатхоҳлар** шаклидаги*

²⁰ Қурбонов Т. Тарихий бадий асар ва давр тили масалалари. Т.: 2006, -Б 82.

мурожаат шаклини талаб қилади. Ундалма олдидан *муҳтарама* сўзининг қўлланилиши ҳам нутқнинг расмий эканлигини билдиради. *Қирқ ёшлардаги қўли узун шиговул отини чу-чулаб, оломон билан қўриқчилар тирашиб турган жойга яқинлашар экан, эгарига ортилган гилам хуржуннинг ўнг кўзидан бир сиқим кумуш танга олди. Ўзгон товушини баланд кўтариб, туркий ва форсий сўзларга ҳиндча иборалар аралаштириб деди: - Ҳалойиқ, тинчланинг! Ҳумоюн ҳазратлари наврўз байрами муносабати билан фуқарога хайру эҳсон қилмоқчилар! Олинг, мана шу кумуш танга сизларга!* (Ҳумоюн ва Акбар. 34-бет). Асар лексикасидан олинган юқоридаги мурожаат халққа, оммага қаратилган бўлиб, бу ҳам расмий шароитда амалга оширилган.

Тарихий асар лексикасида кузатиладиган мурожаатларда, асосан, киши исмларидан кўра мансаб, кишиларнинг жамиятда тутган ўрнига қараб мурожаат қилиш ҳолатлари кўпроқ кўзга ташланади. Шунини таъкидлаш лозимки, тарихий романларда мурожаат шакллари, асосан, коммуникантларнинг мавқеи жиҳатига кўра хосланган. Юқорида келтирилган мисоллардаги ундалмалар тарихий асар лексикасида фаол қўлланилган бўлиб, кўпинча юқори табақа вакилларига қилинган мурожаатда ишлатилади ва бугунги кун муомала маданиятимизда учрамайди.

4. Ўзбек тилида коммуникантлар тоифа хусусиятига кўра хосланган мурожаат ифодаловчи лексик бирликлар ва уларнинг инглиз тилида берилиши

Жамият мавжуд экан, унда ўзига хос табақалар ҳам мавжуд. Бу эса уларнинг нутқида ҳам ифодаланади. Яъни, инсоннинг яшаш тарзи, шароити, жамиятда тутган ўрни ва шу каби масалалар уларнинг нутқий фаолиятида ҳам акс этади. “Ижтимоий статус ва роллардаги фарқлар албатта мулоқот бирликларининг социопрагматик хусусиятларида «из» қолдиради.”²¹ Ҳар бир

²¹ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. -Т., 2008 й., -Б.122

худуднинг ўзига хос шеvasи бўлганидай ҳар бир коммуникантнинг ўзига хос нутқи мавжуд. Бу социолингвистикада социолект термини билан ифодаланади.²² Коммуникантларнинг нутқи уларнинг жинси, ёши, мавқеи ва шу билан бирга тоифаси орқали юзага чиқади. Мурожаат асосида ижтимоий муносабатлар акс этар экан, албатта, унда коммуникантларнинг тоифавий хусусиятлари мулоқотда ўз аксини топади. Ҳукмдорлар нутқи оддий омма нутқидан, зиёлилар нутқи оми одамлар нутқидан фарқланиб туради. “Ҳар бир жамият, миллат, социал синф, табақа, яъни ибтидоий, қулдорлик, феодалистик, социалистик, капиталистик тузум аъзолари ёки камбағал, диндор, даҳрий, уламо, шайх кабилар нутқига хос мурожаат воситалари шаклланади.”²³ Шундай экан, бунда адресант ва адресатнинг қайси табақа вакили эканлигига қараб уларнинг нутқидаги мурожаат шакллари таҳлил қилиш мумкин. Ҳукмдорлар нутқидаги мурожаатда расмий мурожаат шакллари ҳам асосий ўринни эгаллайди.

Нутқ бирликлари тоифавий жиҳатдан таҳлил қилганда бир-бирига тенг даражадаги коммуникантлар орасидаги муносабат ва тенг бўлмаган коммуникантлар муносабати тарзида ажратиш мумкин. Бу Ш. Искандарованинг тадқиқотида симметрик ва ассиметрик муносабат деб қайд этилади.²⁴ Бунда, симметрик муомалада коммуникантларнинг иккиси ҳам бир хил ўрин тутса, ассиметрик муомалада эса коммуникантларнинг бири бошқарувчи бўлади. Тарихий дискурсда подшонинг подшога ва подшонинг мулозимларига, оддий халққа бўлган муомала жараёнида катта фарқ мавжуд ёки аксинча, оддий халқнинг подшога ва бир-бирига бўлган муомаласи ўртасида фарқли ҳолатлар кўзга ташланади. Буни мурожаат шаклларида ҳам кўриш мумкин:

Ниҳоят, сумбула кирган кунларда Таҳмасп уни унинг ўзини Чилсутун қасрида қабул қиладиган бўлди. Ўша вазир Валидбек Ҳумоюнни шохнинг хонайи хосига бошлаб кирди. – Ҳазрати шаҳаншоҳ, Ширвондаги янги

²² Расулов Қ. Социолект ва нутқ. // Ўзбек тили ва адабиёти, 2007йил, № 5, 61-65 бетлар.

²³ Омонтурдиев А. Ўзбек нутқининг эвфемик асослари., Т.: - Б 43.

²⁴ Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одафининг мулоқот шакллари: фил.фан.номз.дисс. авт.реф.Т.,1993й 196

ғалабалар била сизни чин дилдан муборакбод этғали келдим, -деб гап бошлади Ҳумоюн. (Ҳумоюн ва Акбар, 186-бет). Юқорида келтирилган матнда адресент ҳам, адресат ҳам бир тоифадан бўлиб, бу симметрик муомалага мисол бўлади. Подшо адресантнинг мурожаатида подшо адресатга нисбатан “ҳазрати шаҳаншоҳ” мурожаат шаклини қўллаган.

Хукмдорлар табақаси вакилларининг бир-бирига мурожаати жараёнида ҳам улар нутқида тавозеънинг кучлилиги акс этади. Оддий халқнинг хукмдорларга мурожаатида ҳам тавозеъ билан мурожаат қилиш ҳамда уларнинг мавқеи нуктаи назаридан мурожаат қилиш одат тусига кирган. Оддий халқнинг нутқида эса мулоқот жараёнида бир-бирига нисбатан қон-қариндошлик терминлари орқали мурожаат қилиш ҳолатлари кузатилади. Уларнинг бир-бирига мурожаати жараёни шу жиҳати билан хукмдорлар тоифасидан фарқланади.

- Мулло тоғойинг ёмғирда қўп азоб тортганга ўхшайдир. - Э, азоб ҳам гапми, она! («Юлдузли тунлар», 9-бет). Келтирилган ушбу парчада оддий халқнинг мурожаати бўлиб, она мурожаат шакли орқали амалга оширилган. Оддий халқнинг нутқида бегона кишиларга мурожаати жараёнида ҳам қариндошлик терминларидан фойдаланиши кузатилади. Бундан ташқари, бир-бирига тенг ёш коммуникантлар нутқида исмини айтиш орқали мурожаат қилиш ҳам кузатилади.

Бундан ташқари подшолар нутқидаги мурожаат шаклларида халққа, қўшинга нисбатан мурожаатни учратиш мумкин:

-Жангдовуллар азон палла Бобур қўшининг шошилинич сафланаётганини ва туғ тикаётганини айтиб келган заҳоти Шайбонийхон ҳам бор аскарларини оёққа турғизди. Чавқар отда сафларни айланиб чиқди. – Шунқорларим! –деб жарангли овоз билан қўшинга мурожаат қилди. (Юлдузли тунлар, 2006)

5. Ўзбек тилида коммуникантлар жинсига кўра хосланган мурожаат ифодаловчи лексик бирликлар ва уларнинг инглиз тилида берилиши

Эркак ва аёллар бажарадиган вазифалари, жамиятда тутган ўринлари жиҳатидан бир-бирларидан фарқланар эканлар, демак уларнинг мулоқот маданиятида ҳам фарқли ҳолатлар мавжуд. Аёллар ва эркаклар нутқининг фарқли хусусиятлари борасида тилшуносликда бир қанча ишлар амалга оширилган бўлиб, айрим халқларда аёллар нутқи алоҳида тадқиқот сифатида майдонга келган. Бундай фарқланиш муҳим аҳамият касб этиб, мулоқот маданиятида муҳим ўрин тутди. Ўзбек тилшунослигида кейинги йиллардаги тадқиқотларда оз бўлса-да, бу ҳақда ёритиб ўтилган. Жумладан, С.Мўминов, Ш. Искандароваларнинг илмий тадқиқотларида буни кўриш мумкин²⁵. Мулоқотнинг жинс жиҳатидан хосланиши муҳим аҳамият касб этиб, социолингвистиканинг ўрганиш муаммоларидан бири саналади. Мурожаат шакллари жинс жиҳатидан таҳлил қилганда, эркак ва аёл адресантнинг нутқида қўлланиладиган мурожаат шакллари ҳамда эркак ва аёл адресатга нисбатан қўлланиладиган мурожаат шакллари тарзида таҳлил қилиш лозим. Аёллар ва эркаклар нутқида сўз ва ибораларнинг қўлланилиши жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Нутқда учрайдиган шундай ибора ва сўзлар борки улар фақат аёллар нутқида хос, ёки аксинча айрим бирликлар эркаклар нутқида хосланган. Тарихий даврда, тарихий романларда эркак ва аёллар нутқининг ўзига хос фарқли ҳолатларини кўриш мумкин. Бу фарқли ҳолатлар мурожаат шаклларида ҳам ўз ифодасини топган. Мурожаат шакллари яна шу жиҳати билан характерлики, уларда сўзловчи ва тингловчининг жинси яққол намоён бўлади. Буни оддий мулоқот маданиятимизда ҳам учратиш мумкин. “Аёллар нутқида “овсин”, “дугонажон”, “эгачи”, шунингдек турмуш ўртоқларига қарата “дадаси” мурожаат шакллари мавжуд”²⁶. Тарихий асар лексикасида, асосан, олий табақадаги аёлларга нисбатан “бегим”, “хоним”, “ҳазрат бегим”, “олий насаб бегим” каби мурожаат шакллари қўлланган. “Эгачи” мурожаат шакли Ш. Искандарова диссертациясида аёлларга хос бўлган мурожаат шакли деб

²⁵ С. Мўминов. Ўзбек мулоқот ҳуққининг ижтимоий – лисоний хусусиятлари. филол. фан. док. ..дисс., Ш. Искандарова. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: филол. фан. номз. дисс Т., 1993й

²⁶ Ш. Искандарова. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари, филол. Фан. Номз. Дисс. автореф. – Б 19.

каралади. Яъни, аёл адресант мулоқоти жараёнида қўлланади. Бу мурожаат шакли XIV- XV асрларда эркаklar нутқида ҳам опа- сингилга нисбатан қўлланилганлигини кўриш мумкин. Асосан, расмий шароитда қўлланилувчи бу мурожаат шакллари нутқнинг норасмий шароитида қон – қариндошлик терминлари билан алмашади, яъни ижтимоий гуруҳ аъзолари ўз социал ролларини ўзгартирсалар улар нутқи ҳам шунга мувофиқ ўзгаради. Ҳозирги мулоқот маданиятимизда қўлланилмайдиган бу мурожаат шакллари тарихий даврда аёлларга нисбатан фаол қўлланган. *Ҳумоюн аммасини ўзининг хос ҳақимига кўрсатган эди:*

- *Ҳазрат бегим, сизга ором керак, ҳозир узоқ сафарга чиқмаганингиз маъқул,*
- *деди. (Ҳумоюн ва Акбар, 233-бет);*

Бобур гавҳарларни халтачага солиб, Ойиша бегимнинг олдида борди: - Бегим,
сиз мени нажоткор билиб, бу гавҳарларни “тахтга чиққанда тожга қадаб
чиқсинлар” деб юборган эдингиз. («Юлдузли тунлар», 223-бет);

Қосимбек лабларини ёпиб турган узун қўнғир мўйловини қўли билан икки ёнга
сурди-да, кулимсираб Хонзода бегимга қаради: - Бегим, сиз амирзодамни
Фарҳодга яхши қиёс қилдингиз. («Юлдузли тунлар», 84-бет);

Мулла Фазлиддин наргорни ердан кўтарар экан: - Йўқ, аксинча, бегим,
сизнинг назарингиз тушган нақш янада яхшироқ чизилгай! («Юлдузли
тунлар», 71-бет);

“Бегим” мурожаат шакли XI-XV асрларда аёл адресатга нисбатан қўлланган бўлса, кейинги давр бадий адабиётларида эркаklarга нисбатан қўлланилиб, ҳозирги даврда эса эскирган сўзлар сирасига киради, лекин айрим шевадарда эркаklarга нисбатан қўлланилганлигини кўзга ташланади²⁷. Романлар лексикасида аёлларга нисбатан **Хоним** мурожаат шакли ҳам қўлланилган.

— *Ундоқ бўлса менга рухсат беринг, ҳазратим! — деди Қутлуғ Нигор хоним.*

— *Хоним, Марғилондан чопар кутмоқдамиз. Вазият аниқланса, рухсат олурсиз. Умаршайх мирзо дастурхонга фотиҳа ўқиб, ўрнидан турди-ю,*

²⁷ Ш. Искандарова. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари, филол. Фан. Номз. Дисс. -Б. 68.

шошилишч тадбирлар ўйлаб, ҳарамдан чиқди. (П. Қодиров, «Юлдузли тунлар», 27 -бет)

Аёллар нутқида эса эркакларга нисбатан мирзам, ҳазратим мурожаат шакллари учраб, асосан, адресант подшога аёлларнинг мурожаатида кўзга ташланади.

Тарихий романларда расмий ва норасмий шароитда ҳам аёллар эркакларга нисбатан юқоридаги келтирилган мурожаат шаклларида фойдаланадилар. Шу билан ҳозирги мулоқот маданиятимиздан фарқ қилади. Эр-хотин ўртасида исм орқали мурожаат тарихий романларда ҳам мавжуд бўлиб, кўпроқ бу ҳолат эркак сўзловчи томонидан аёл тингловчига норасмий шароитдаги мулоқотда кўзга ташланади.

Ҳумоюн индамай уни икки елкасидан олди-да юзини ўзига қаратиб, кўзларига маъюс тикилди: - Бардам бўлинг, Ҳамидам! (ҲА 165)

Айвонга Тоҳирни эргаштириб кирган Бобур: - Узумимиз пишибди, Моҳим! – деди. (ЮТ 455)

Ижтимоий мақомига кўра ҳукмдорлар нутқида мурожаат шакллари ўзгариб боришини кузатиш мумкин. Яъни, коммуникантларнинг ижтимоий мақоми ўзгариши билан нутқда ҳам акс этади.

Ёши ва мавқеи катта, таниш, яъни қариндош аёллар нутқида норасмий шароитда подшоҳга нисбатан исм орқали мурожаат қилиш ҳолатлари учрайди: *Ҳумоюн аммасига умид билан юзланди. Шунда Хонзода бегим Ҳамида бону ва унинг ёнидаги қизларга ишора қилиб деди: - Ҳумоюнжон, сиз қизларнинг чавгон ўйинига иштиёқманд эдингиз-а? (Ҳумоюн ва Акбар, 58-бет).*

“Нутқий мулоқотнинг расмий ва норасмий шароити алмашиб турадиган аломатлардир. Норасмий шароитлар илиқ, оддий, саммий бўлса, расмий мулоқот кўпроқ иш жойида юзага келиб, белгиланганидек анча совуққон тарзда кўринади”²⁸.

²⁸ Ш. Искандарова. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари, филол. Фан. Номз..Дисс. -Б. 43.

Тарихий романлар лексикасида “оға ойи” мурожаат шакли фақат аёлларга хос бўлган мурожаат шаклларида бири бўлиб, бу мурожаат бирлиги ўзидан катта ёшли кундошига нисбатан қўлланилган.

Қоракўз бегимнинг ёшлиги, гўзаллиги, хусусан, уялиб гапириши ҳозир унинг энг суюкли хотини эканини эсга туширди-ю, Фотима Султоннинг раишкини қўзғади.

*-Ҳазратимни мунча қаттиқ ухлатибсиз, энди уйғотиши нечун илгингиздан келмайдир? Қутлуғ Нигор хоним болалар олдида қилинган бу киноядан озорланиб: - Қўйинг **оға ойи**. Бу бегимда айб йўқ! – деди. (ЮТ 22).*

“Оға ойи” мурожаат шакли асарларда эркалар нутқида умуман учрамайди. Демак, бу мурожаат шакли фақат аёллар нутқида хосланган.

Юқорида таҳлили келтирилган мурожаат шаклларида деярли барчаси олий табақадаги аёл ва эркаларга нисбатан қўлланилган. Оддий халқнинг нутқидаги мурожаат шаклларида аёлларга нисбатан “бегим” мурожаат шакли қўлланилмаган. Умуман олганда, Пиримқул Қодиров тарихий романларида кўпроқ сарой ва сарой аёнларининг нутқий мулоқотлари келтирилган. Оддий халқнинг нутқи ҳозирги мулоқот маданиятимиздан деярли фарқ қилмайди.

*Сой бўйидаги мажнунтоллар панасида бир йигит билан қиз шивирлаб гаплашмоқда эди. – **Робия**, инон, мен тирик бўлсам, сенга бало-қазони йўлатмасмен! – Танғрим сизни ҳам паноҳида асрасин, **Тоҳир оға!**.. («Юлдузли тунлар», 5-бет).* Келтирилган дискурсдаги оддий халқ нутқи бўлиб, унда коммуникантларнинг иккаласи ҳам бир-бирига исм орқали мурожаат қилган.

Тарихий асарларда мурожаат шаклларида жинс жиҳатидан хосланиши ҳозирги нутқий мулоқотимиздан оз бўлса-да фарқланади. Бу ўз навбатида тарихий давр, шароит ва вазият билан боғлиқ ҳолда амалга ошади. Нутқ вазияти шароит ва вазиятга қараб ўзгариб бораверади. Мурожаат шакллари ижтимоий-лисоний жиҳатига эътибор қаратганда, жинс жиҳатидан фарқланишини инобатга олмаслик мумкин эмас.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аҳмедова Н. Ўзбек тилида мурожаат бирликларининг семантик-коннотатив тадқиқи: Филол. фанлари номз. ... дисс.- Т., 2008.
2. Акбарова З. Ўзбек тилида мурожаат шакллари ва унинг лисоний тадқиқи: Филол. фанлари номз. ... дисс. –Т., 2007.
3. Ғуломов А., Аскарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили . - Т.: Ўқитувчи, 1987.
4. Ибрагимова О. Бобурномадаги унвон ва мансаб номлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2008. - № 4.
5. Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: Филол.фанлари номз. ... дисс. - Т.,1993.
6. Қурбонов Т. Тарихий бадиий асар ва давр тили масалалари. - Т.: Фан, 2006.
7. Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фанлари докт. ... дисс. - Т., 2000;
8. Муҳаммадиева М. Ундалмалар прессупозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. 1999, - №5.
9. НарзиеваМ.Ж. Ўзбек тилида шахсни ёш жиҳатидан тавсифловчи отларнинг маъно таркиби: Филол. фан. номз... дисс. – Бухоро, 1992. – Б. 49.
10. Неъматов Ҳ., Жўраева Б. Социоллингвистика. – Бухоро, 2004.
11. Омонтурдиев А. Ўзбек нутқининг эвфемик асослари. - Т.: Фан, 2008.
12. Расулов Қ. Социолект ва нутқ // Ўзбек тили ва адабиёти, 2007. - № 5.
13. Расулов Қ. Ўзбек мулоқот хулқининг функционал хосланиши: Филол.фанлари номз. ... дисс. - Т., 2008
14. Сайфуллаев А. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ундалма. - Т.: Фан, 1968.
15. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. -Т.: ЎзМЭ, 2008.
16. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилд. 2- жилд. - Т.: ЎзМЭ, 2006.

17. Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек тилида вокатив категория. - Т.: Фан,
1972.